

МИЛЛИЙ МАДАРИС
ҲОЯСИ ҚУРАММИ



**МАРКАЗИЙ ОСИЁ:
ҲОЯВИЙ ЖАРАЁНЛАР
ВА МАҲКУРАВИЙ
ТАҲДИДЛАР**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАН ВА ТЕХНИКА ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ
ЎЗБЕКИСТОН ФАЙЛАСУФЛАРИ МИЛЛИЙ ЖАМИЯТИ

МАРКАЗИЙ ОСИЁ: ҒОЯВИЙ ЖАРАЁН ВА МАФКУРАВИЙ ТАҲДИДЛАР

*“Миллий истиқлол ғояси:
асосий тушунча ва тамойиллар” ўқув фани бўйича
Махсус методологик комиссия тавсия этган*

ТОШКЕНТ — 2002
“IJOD DUNYOSI” НАШРИЁТ УЙИ

Матн муаллифлари - **С. Отамуродов, С. Мамашокиров,
А. Холбеков, М. Лафасов**

Марказий Осиёда тарихи, маданияти чамбарчас боғлиқ бўлган қардош ва қондош халқлар яшайди. Уларнинг тақдири, азалий анъана ва қадриятлари ҳам қўп жиҳатидан ўхшаш.

XX аср охиридаги туб ўзгаришлар натижасида мустақил давлатларига эга бўлган бу халқлар, истиқлол ва тараққиёт йўлидан бормоқда. Уларнинг ўзига хос ривожланиш тамойиллари, пировард мақсад-муддаолари бор.

Минтақадаги тинчлик ва барқарорлик ана шу мақсадлар амалга ошиши учун асосий шартдир. Аммо бу тинчлик ва барқарорликка нисбатан таҳдид ва хавфлар ҳам йўқ эмас. Зарарли ғоялар хуружи, наркобизнес, диний ақидапарастлик шулар жумласидандир. Рисолада ана шу хавф-хатарлар, уларга қарши огоҳ ва хушёр бўлиш туйғусини шакллантириш каби масалаларга эътибор қаратилган.

Китобча тўғрисидаги фикр ва мулоҳазалар билан қуйидаги манзилга мурожаат қилишнгизни сўраймиз: *Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5. Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти.*
Тел.: 139-17-31.

Илмий муҳаррир - академик **Т. Рисқиев**

Масъул - ф.ф.д. **Қ. Назаров** нашрга тайёрлаган

Муҳаррир - **М. Қаринбоев**



ISBN 5-633-01287-8

© Ўзбекистон файласуфлари
миллий жамияти, 2001
© “Ijod dunyosi” нашриёт
уйи, 2002

СЎЗ БОШИ

XX асрнинг сўнгида жаҳон сиёсий харитасида кескин ўзгаришлар рўй берди. Собиқ иттифоқ парчаланиб, унинг ўрнида мустақил давлатлар шаклланди. Марказий Осиёда рўй бераётган гоёвий жараёнлар ва бу минтақага нисбатан мафкуравий таҳдидлар ана шу ўзгаришлар билан узвий боғлиқдир. Бу борада АҚШ ва бошқа давлатлар, тараққийпарвар кучларнинг Афғонистондаги халқаро терроризмга қарши кураши асосий аҳамиятга эга бўлмоқда.

Президент И.Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида жаҳон, Марказий Осиё минтақаси ва республикамизда қайси омиллар хавфсизликка қандай таҳдид солаётгани аниқ кўрсатиб берилган.

Ҳозирги пайтда Марказий Осиё минтақасида турли сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва экологияга оид муаммолар тўпланиб қолган. Бу жойдаги ялпи хавфсизликка минтақавий, миллий-маҳаллий можаролар, диний экстеремизм ва жангари сепаратизм таҳдид солмоқда. Бундай қарама-қаршилиқларда четдаги айрим йирик мамлакатларнинг ўз манфаатларини ва таъсир доираларини сақлаб қолиш, кушлар мувозанатини ўз фойдаларига ўзгартириш учун олиб бораётган ҳаракатлари ҳам ўз ўрнига эга.

Таҳдид туғдирувчи сабаблардан яна бири минтақа ўзининг жўғрофий — сиёсий ҳолати жиҳатидан коллектив хавфсизлик тизими изчил йўлга қўйилмаган ҳудудда жойлашганлиги билан боғлиқ.

Яқин йилларда бутун дунё, Европа ва Осиё келажа-

ги учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўладиган энергия, газ ва нефтга бой конлар Марказий Осиёда жойлашган. Бунинг устига биз Шарқ ва Ғарб мамлакатларининг манфаатлари бир-бирига мос келмайдиган минтақанинг бир қисмимиз. Бизнинг худудимиздан кўпгина қудратли мамлакатлар ҳам ўз манфаатларини излайди.

Яна бир таҳдид манбаи шуки, Ўзбекистонни этник, демографик, иқтисодий ва бошқа муаммолар юки остида қолган баъзи мамлакатлар қуршаб турибди. Бунинг устига, юртимиз минтақадаги диний экстремизм, этник мурасасизлик, наркобизнес ва ҳар хил ташқи кучлар томонидан рағбатлантириб келинаётган, ички можаро авж олган Афғонистон каби беқарорлик ўчоғи билан чегарадош.

“Геополитик мақсадлар — муайян давлатнинг ўз мавқеи ва таъсирини ўзга худуд ва минтақаларда кучайтиришга қаратилган сиёсатни ифодалайди. Бугунги кунда халқаро майдонда турли шаклларда намоён бўлаётган бундай уринишлар мафкуравий сиёсат билан қўшилиб бормоқда. Инсон қалби ва онги учун кураш — бу жараённинг асосий йўналишларидан биридир”.

Минтақавий низолар кўпинча терроризм ва зўравонлик, наркобизнес ва қурол-яроғ билан қонунсиз савдо қилиш, инсон ҳуқуқларини оммавий суратда поймол этиш каби хавфли таҳдидларнинг доимий манбаига айланиб бормоқда.

Айрим қўшни давлатлар ядро қуролига эга бўлишга ошкора интилаётганлиги бизни ташвишга солмоқда. Ўзбекистон эса Марказий Осиё минтақасини ядровий қуроллардан холи худуд деб эълон қилинишига эришиш учун ҳаракат қилмоқда.

Хуллас, ҳавфсизликка солинаётган таҳдидлар сиёсий экстремизм, шу жумладан диний руҳдаги экстремизмни, миллатчилик ва миллий маҳдудликни, этник, миллатлараро, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик асосидаги зиддиятларни, коррупция ва жиноятчиликни, экология муаммоларини ўз ичига олади. Улар гарчи турлича намоён бўлса-да, ҳар биримизни хушёр ва огоҳ бўлишга ундайди.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ: МИНТАҚА ВА ГЕОСИЁСАТ

XXI аср бошларига келиб, Марказий Осиёнинг ижтимоий-сиёсий манзараси ўзгариб кетди. “Ҳозирги даврда Марказий Осиё сиёсий харитасида рўй берган туб ўзгаришлар туфайли бу минтақага нисбатан геополитик ёндошувларнинг ифодаси бўлган мафкуравий кучлар улкан иқтисодий салоҳият ва қулай геополитик мавқега эга бўлган бу минтақани ўз манфаатлари доирасига тортишга интилмоқда. Улар ўз мақсадларига эришиш учун таъсир ва босим ўтказишнинг барча шакллари қўлламоқда”¹.

Мазкур мавзу учун Президентимизнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асари асосий манба бўлиб ҳисобланади.

Мазкур асарда Ислоом Каримов томонидан кўрсатиб берилган хавфсизликка таҳдидлар, уларнинг умумбашарий ва минтақавий хусусиятлари батафсил баён қилинган. Ана шу таҳдидлар орасида минтақавий жиҳатнинг аҳамияти алоҳида ўрин тутади.

“Геосиёсат” тушунчаси ўзида (“гео” - “ер”, “сиёсат” эса - “давлат” ва “ижтимоий иш”) маъноларини англатади. “Геосиёсат” атамасида геосиёсий муддаолар,

¹. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.-Т.: Ўзбекистон, 2000. 26-бет

уларнинг кўринишлари, турли хил давлат ва халқларнинг манфаатлари тизими, унга бўлган ёндашув услублари, воситалари, у ёки бу давлатнинг ҳудудий жойлашуви, салоҳиятига бўлган муносабатда ифодаланган мақсадлар ўз ифодасини топади.

“Геосиёсат” узоқ тарихга эга бўлса-да, у тушунча сифатида XX асрнинг бошларида шаклланган. Бу атама Р.Челлен томонидан муомалага киритилган бўлиб, ҳозирги даврда давлатлар ва дунё мамлакатлари халқаро сиёсатида, фалсафада, сиёсат фалсафасида кенг қўлланилмоқда. Геосиёсат кўп қиррали тушунча сифатида турли манфаатларни ўзида мужассам этади.

Ҳозирги даврда геосиёсий мақсадларнинг кўпроқ мафкуравий сиёсат билан ҳамоҳанглигини алоҳида таъкидлаш зарур. Бунда мафкуравий таъсир кўрсатиш геосиёсатнинг энг таъсирчан воситаси сифатида намоён бўлмоқда. Яъни, турли давлатларнинг мақсадлари халқнинг турли қатламлари, хусусан, ёшлар онги ва қалбига мафкуравий таъсир кўрсатиш орқали уларнинг фаолиятини ўз таъсирига, яъни манфаатларига йўналтирилган мафкуравий муҳитни яратишни кўзлаган ҳолда амалга оширилмоқда. Ушбу жараённи тўғридан-тўғри кўра билиш, унинг қандай амалга ошишини аниқ билиш қийин ва мураккабдир. Ана шу сабабдан ҳам Президентимиз мафкуравий полигонлар, ядро полигонларига қараганда, хавфлироқ бўлиб қолганлигини алоҳида таъкидлаганлар.

Ядро полигонлари қаерда жойлашганини, унинг қувватини, қандай мақсадга йўналганлигини муайян даражада аниқ билиш мумкин. Аммо, ёвуз ва ёт мафкуравий мақсадларни қаердан ва қандай йўллар билан инсонлар қалбини эгаллаб олаётганлигини осонликча билиб бўлмайди.

XX АСР ОХИРИ: БАҲАРОРЛИК ВА БЕҲАРОРЛИК

XX аср бошларида Россиядаги октябрь давлат тўнта-риши ва айниқса, иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда сиёсатда ҳам, мафкурада ҳам амалда бир-бири-га тамоман қарама-қарши бўлган икки ижтимоий — сиёсий қутб, икки тизим шаклланди.

“Социалистик” деб аталган қутбда XX аср 80-йил-ларидан бошланиб, 90-йилларда поёнига етган парокандалик, ўз навбатида, жаҳондаги икки мафкуравий йўналишни белгилаб берди.

Биринчиси шуки, жамиятни хаёлий (утопик) истиқ-боллар билан чалғитиб келган коммунистик мафкура-нинг таназули ва емирилиши оқибатида, у яқка ҳукм-ронлик қилган ижтимоий маконда саросима, таҳлика ҳамда мафкуравий бўшлиқ пайдо бўлди.

Иккинчиси шуки, ўзларининг муайян сиёсий, иқти-содий, мафкуравий манфаатларига асосланиб, собиқ социалистик система ҳудудидаги мамлакатларни маф-куравий-ғоявий жиҳатдан бўлиб ташлашга уриниш кучайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, иккинчи жаҳон урушидан кейин халқаро миқёсда кучайиб борган ва сиёсий мавқега эга бўлган пацифистик ҳаракатлар жа-ҳон прогрессив кучлари томонидан, хусусан, 1954 йил-да эълон қилинган “Рассель-Эйнштейн” Манифести таъ-сирида шаклланган янгича сиёсий тафаккур, ҳарбий-сиёсий жиҳатдан қудратли бўлган мамлакатларнинг дунё-ни бўлиб олиш учун ҳаракатлари стратегияси ва такти-касида муайян ўзгаришларни тақазо этди. Халқаро май-дондаги ўзгаришлар кучли мамлакатларнинг жаҳон сиё-сий харитасини ўз геостратегик истакларига мос равиш-да ўзгартириш иштиёқларини чегаралаб қўйди. Бундай

шароитда халқларни маънавий-мафкуравий жиҳатдан тобе этиш ва пировард натижада бутунлай қарам қилиб олишга интилишлар тўхтамади. Зеро, маънавий-мафкуравий қарамлик ҳар қандай миллатнинг ва давлатнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий фаоллигини чегаралаб, тобе бўлишга олиб келишнинг сиртдан қараганда ўта беэтиб, “гуманистик” йўлидир.

Бироқ, миллатни ёки давлатни мафкуравий-маънавий қарам қилиб олиш, муайян сиёсий ҳамда иқтисодий манфаатлардан келиб чиқади. Бу — **биринчидан**. **Иккинчидан**, сиёсий ёки иқтисодий қарам қилиб олаётган миллат ёхуд давлат ўз ҳукмронлик мавқеини мустаҳкамлаш учун, албатта, маънавий-мафкуравий омиллардан ҳам фойдаланади. Тарихий далилларга мувожаат қилиб, буни тасдиқлайдиган кўпдан-кўп мисолларни келтиришимиз мумкин. Масалан, бой табиий ресурсларга эга бўлган Туркистоннинг чор Россияси томонидан босиб олиниши асосида маълум иқтисодий манфаатлар ётганлиги аниқ. Чунки, 1850 йилларгача пахта хом-ашёсининг асосий қисмини чоризм Америкадан сотиб олар эди. Лекин Америкада шу йилларда жанубий ва шимолий штатлар ўртасида бошланган фуқаролар уруши қишлоқ хўжалигини издан чиқариб, пахтанинг баҳосини кескин ошириб юборди. Дастлаб 4 рубл бўлган бир пуд пахтанинг баҳоси 1860 йилларга келиб, 8 мартага ўсиб, 32 рублга етди. Шундай вазиятда Россия енгил саноат корхоналари ўз вакилларини подшо Александр II нинг ҳузурига юбориб, агар Туркистон Россиянинг пахта хом-ашёси базасига айлантирилса, барча ҳарбий харажатларни ўз зиммаларига олишларини баён қилган эдилар.

Албатта, бундай буюк давлатчилик гегемонизмининг асосида бошқа сиёсий манфаатлар ҳам ётган, хусусан, Буюк Британиянинг Ҳиндистонни босиб олиб, Осиёда

Ўз мавқеини мустаҳкамлаши Россияни бефарқ қолдирмаган эди. Лекин, бу ўринда гап босиб олинган ўлкаларда мустамлакачилик сиёсатини мустаҳкамлаш учун мафкуравий усул ва воситалардан фойдаланиш устида кетмоқда. Мустамлака ўлкалар халқларини тарихий хотирасидан маҳрум қилиш, миллий ўзлигини, ғурурини, ифтихорини сўндириш, анъаналарини йўқотиш мафкуравий тажовуз сиёсатининг бош йўналишига айланди.

Учинчидан, эндиликда миллатларни, халқларни, давлатларни маънавий-мафкуравий қарам қилишнинг шундай мукамал системалари таркиб топдики, улар иқтисодий блокада, ҳарбий пўписа, сиёсий тажовуз, ички зиддиятларни рағбатлантирувчи молиявий ёрдам ва бошқа шаклларда намоён бўлмоқда.

Буюк давлатчилик гегемонизми инсониятнинг ижтимоий-сиёсий патологияси сифатида, айрим сиёсатдонлар айтаётганидек, умуминсоният барқарор ривожланишига эмас, балки кичик миллатларнинг йўқолиб кетишига олиб келиши мумкинлигини тарихий тажрибалар кўрсатиб турибди.

Ҳозирги даврда планетамиз ва минтақамизнинг мафкуравий харитасида ғоят ранг-барангликни кўришимиз мумкин. Бу XX асрдаги илмий техника тараққиётининг натижаси бўлган халқаро ва давлатлараро алоқа коммуникациялари, информация воситалари, технологик интеграция жараёнларининг кучайиб кетиши билан изоҳланади. Ўтган асрнинг бу хусусияти ҳар бир миллатнинг, маданиятнинг бир томондан, ўзлигини сақлаб қолишига бўлган инстинктив интилишларини кучайтириб юбораётган бўлса, иккинчи томондан, интеграциялашув тенденциясини кучайтирди.

Бугун “икки қутбли мафкура” ўртасидаги курашга барҳам берилган бўлса-да, аммо дунёда мафкуравий

курашлар тўхтаб қолгани йўқ. Аксинча, жаҳон майдонларини мафкуравий бўлиб олишга уринишлар турли йўллар билан амалга оширилмоқда. Масалан, Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганидан кейин мафкура соҳасида ҳаёт осонликча кечмади. Миллий истиқлол ғоясига зид бўлган ёт ва бегона ғояларнинг кириб келишига ва ёшларимиз онгини эгаллашга, уларни мамлакатимизда белгиган улуғ мақсадларни амалга оширишдан оғдиришга уринишлар бўлганлигининг гувоҳимиз. Бундай ҳаракатларнинг тарафдорлари “дўст”, “миллатдош”, “ватандош”, “диндош” бўлиб кўриниш мақсадида ўз ғояларини амалга оширишга уриндилар. Натижада, миллий қадриятларимизга зид бўлган турли хил қарашлар аҳоли, айниқса, ёшлар онгини эгаллашга ҳаракат қилди.

Жаҳон геосиёсатида халқларни маънавий-мафкуравий жиҳатдан тобе этишга интилиш ва бутунги кунда дунёни шундай асосда бўлиб олишга уринишлар давом этмоқда. Бунинг учун ҳозирги замон оммавий ахборот воситалари, уларнинг ютуқларидан фойдаланиш орқали дунёнинг турли ҳудудларида ўзларига мос мафкуравий муҳитни шакллантириш мақсадларини ҳам кўзламоқдалар.

Ана шундай шароитда миллий истиқлол ғоясини чуқур эгаллаш орқалигина мафкуравий майдонларда олиб борилаётган курашлар моҳиятини тўғри тушуниш ва олдини олиш мумкин. Мафкуравий жараёнлар фикр ва ғоялар тизими сифатида инсон онгига йўналтирилганлиги, ўзига хос мақсадлари борлиги билан характерланади. Улар кўплаб одамлар қалби ва онгини эгаллаб олиш орқали ўзига хос таъсир кўрсатиш майдонини яратади. Бу майдон ичида турли халқлар, инсонлар фаолияти мужассамлашади.

МИНТАҚАВИЙ РИВОЖЛАНИШ: ҲАМКОРЛИК ВА ТАҲДИДЛАР

Маърифий ривожланиш шуни тақозо этадики, геосиёсат инсоният орзу қилиб келган тинчлик ва барқарорликка, мамлакатлар ва халқлар равнақига, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш ғоясига мос бўлиши керак. У Ватан равнақи, Юрт тинчлиги, Халқ фаровонлиги, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик ғояларини ўзида мужассам этиб, ҳозирги геосиёсий мақсадларнинг бош мезонига айланиб бориши лозим. У носоғлом мафкура ва ғояларни бошқа халқлар онгига, қалбига зўрлаб сингдириб, мафкуравий жиҳатдан дунёни бўлиб олишга эмас, ўзаро манфаатли ҳамкорликка, дунёвий муаммоларни ўзаро ҳамжиҳатлик билан ҳал этишга хизмат қилиши керак. Шу маънода, геосиёсатга янгича ёндашув XXI асрда янгича маъно ва аҳамият касб этади ва дунё тараққиётига хизмат қилади.

XX асрнинг охирида дунёда жаҳоншумул воқеалар рўй берди. Унинг сиёсий харитаси, жумладан, Марказий Осиёнинг манзараси тубдан ўзгариб кетди. Собиқ СССРнинг парчаланиши, унинг ҳукмрон мафкурасининг барбод бўлиши ва Марказий Осиёдаги республикаларнинг ўз мустақиллигини қўлга кириштириши минтақамизда янги ижтимоий-сиёсий, мафкуравий вазиятни ҳам вужудга келтирди. Ушбу вазиятнинг моҳияти қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, собиқ шўролар ҳукмронлиги шароитида коммунистик мафкура, минтақа халқлари азалдан қон-қардош бўлишларига қарамасдан, уларни зўрма-зўраки “бирлаштириб” турган эди. У минтақа халқлари онгига зўравонлик билан “СССР — ягона Ватан” ва “Совет халқи — янги тарихий бирлик” —

деган сохта тушунчаларни сингдиришга зўр бериб уринар эди. Минтақа халқлари ўзларининг тарихий ва маънавий яқинликка интилишларига нисбатан мафкуравий тазйиқ бениҳоя кучли эди.

Минтақадаги собиқ иттифоқдош республикалар ўзларининг мустақилликларини қўлга киритишлари билан бу мафкура барбод бўлди. Уларнинг ҳар бири олдида ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш, барқарорликни таъминлаш ва ўзлари учун мақбул бўлган тараққиёт йўлини белгилаб олишдек жуда мураккаб вазифалар юзага келди. Бу жараён минтақа мамлакатларининг ўзаро муносабатларини уйғунлаштирувчи маънавий-мафкуравий омиллар шаклланишига таъсир ўтказиши табиийдир.

Иккинчидан, минтақадаги мамлакатлар ўз мустақиллигини қўлга киритганларига қарамасдан, 1991 йилгача собиқ марказ ҳали ўз ҳукмронлигини қайтадан тиклашга мойил эди. Шунинг учун ҳам у минтақа мамлакатларини бир-бирига қарама-қарши қўйиш, миллатлараро зиддиятларни келтириб чиқариш каби сиёсатни давом эттирди. Бу, ўз навбатида, ўша даврда, маълум даражада минтақа халқларининг ўзаро муносабатларига ҳам муайян таъсир кўрсатди.

Учинчидан, мустақилликни қўлга киритган минтақамиз мамлакатларини ўз таъсир доирасига ўтказиш учун яна бошқа бир қатор мамлакатлар ҳам ҳаракатни бошлаб юбордилар. Уларнинг кўпчилиги ташқаридан беғараз ёрдам кўрсатаётгандай бўлиб кўринсалар-да, аслида ҳар бир кўрсатаётган “ёрдамлари” эвазига минтақада ўз мавқеини мустаҳкамлашга ҳаракат қилдилар. Аслида бундай ҳаракатлар замирида минтақа давлатлари ва халқларини бир-бирига қарама-қарши қўйишга интилишлар йўқ эмас. Демак, ана шу интилишлар ҳам минтақа мамлакатларининг мустақиллик шароити-

да юзага келган муаммоларни ўзаро якдиллик билан ҳал қилишга хизмат қиладиган умумий омилнинг юзага келишига ўзининг таъсирини ўтказди.

Тўртинчидан, минтақада юзага келган муаммоларни ҳал қилишга хизмат қилувчи янги маънавий-мафкуравий муҳитни шакллантириш эҳтиёжи ҳам ошиб борди. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов таъкидлагани каби: “СССР парчаланиб кетгандан кейин бизнинг иродамиз ёки интилишимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда Ўзбекистон амалда фронт яқинидаги давлатга айланиб қолди. Унинг ташқи чегараларида — Афғонистон ва Тожикистонда сўнги йилларда юз минглаб инсонлар ҳаётига зомин бўлган иккита танглик ўчоғи аланга олиб турибди”¹.

Афғонистонда эндиликда уруш алангаси ўчгани фақат бизнинг мамлакатимиз учунгина эмас, балки минтақадаги барча мамлакатлар учун ҳам катта барқарорлик омилини вужудга келтирди.

Бешинчидан, Ўзбекистон ўзининг иқтисодий салоҳияти, хом-ашё ресурсларига бойлиги, демократик имкониятлари, геополитик жойлашувига кўра минтақада етакчи ўринда турганлиги билан ажралиб туради. Бинобарин, Ўзбекистонга нисбатан бўладиган ҳар қандай хавф-хатар, албатта, бутун минтақага таъсир қилади. Шу маънода турли сиёсий кучлар ва ҳаракатлар минтақадаги вазиятни мураккаблаштириш ҳамда минтақа давлатларини унга жалб қилишнинг турли йўллари ва услубларини ишга солмоқда.

Аслида бу уринишларга минтақа мамлакатлари ва халқлари ўртасида мавжуд бўлган азалий дўстликка

¹ *Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.* — Т., 1997, 20-21-бетлар.

шунан сўрашга қаратилган мафкуравий ҳаракатлар деб баҳо бериш мумкин.

“Инсоният цивилизациясининг ривожланиш тарихи, айниқса, ҳозирги дунё воқелиги шундан далолат бериб турибдики, алоҳида олинган бир давлатдаги ҳеч бир можаро узоқ вақт давомида миллий чегаралар доирасида қолиб кетмайди. Бир қанча сабабларга кўра бундай можаро назорат қилиб бўлмайдиган даражада ёйилиб кетиши муқаррар. Бу эса, эртами-кечми кўшни давлатлар олдида барча салбий оқибатлари билан бирга қатор муаммоларни кўндаланг қилиб қўяди. Ҳатто минтақадаги вазиятни беқарорлаштириш даражасига бориб етади. Шу нуқтаи назардан қараганда, можаронинг яширин ва ошкора тарзда тарқалиши тангликни чуқурлаштиради. Чунки, турли мақсадларни кўзлайдиган ва танглик мавжуд бўлган ҳудудда ўз манфаатларини таъминлашга интиладиган ташқи кучлар ҳамма вақт шай туради”¹.

Марказий Осиё мамлакатлари ўз мустақиллигини қўлга киритиб, тараққиёт сари қадам ташлаётган ҳозирги шароитда ҳам жаҳондаги маълум бир сиёсий кучлар, мафкуравий полигонлар улкан иқтисодий салоҳият ва қулай геополитик мавқега эга бўлга бу минтақани ўз манфаатлари доирасига тортиш ҳаракатларидан тўхтагани йўқ. Улар ўз мақсадларига эришиш учун таъсир ва босим ўтказишнинг барча шакллари қўлламоқдалар. Жумладан, Марказий Осиё мамлакатларининг ўзаро иқтисодий интеграциялашув жараёнига тўсқинлик қилишдек, таъсир ўтказиш ҳолатлари содир бўлаётганлигини таъкидлаш мумкин.

¹ *Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.* — Т., 1997, 23-24-бетлар.

Бу мақсадда минтақада тарихан шаклланган ижтимоий-иқтисодий, маданий, маърифий алоқаларни издан чиқариш, дўст ва биродар давлатлар, халқлар ва миллатлар ўртасига низо солиш, кескинлик ўчоқларини келтириб чиқариш учун турли ғоявий, диний ва мафкураравий воситалар ишга солинмоқда. Айниқса, Марказий Осиё халқларининг дунёқараши ва маънавиятида ислом динининг мустаҳкам ўрин эгаллаганидан фойдаланиб, уларга исломий “сабоқ” бериш, исломни қайта тиклаш байроғи остида минтақада диний экстремизм ва фундаментализмни кенг тарқатиш борасида олиб борилаётган кўпоровчилик ҳаракатлари кучайди.

ФУНДАМЕНТАЛИЗМ ВА ЭКСТРЕМИЗМ

Маълумки, “фундаментализм”, “экстремизм”, “терроризм” каби тушунчалар жамиятда қабул қилинган қонун-қоидаларга мос келмайдиган ва уларга зид бўлган ғоялар ҳамда улар асосидаги ҳаракатларни ифодалайди. Қандайдир бир йўналишни бузиб талқин этган ҳолда сиёсий мақсадни кўзловчи ҳаракат экстремизмга олиб келади. Экстремизм қандай номланмасин ёки қандай кўринишга эга бўлмасин, унинг асосий мақсади жангари гуруҳларни шакллантириш орқали ҳокимият тепасига келишдан иборат. Худди шундай, “фундаментализм”, “терроризм” каби сўзлар ҳам том маънода ҳокимият ёки бирор бир ғаразли мақсадлар учун курашувчи ижтимоий-сиёсий гуруҳ ва оқимларга тегишлидир.

Масалан, “фундаментализм” атамаси аслида, христиан дини билан боғлиқ ҳолда шаклланган. Унинг биринчи бор расмий қўлланиши 1908 йилда АҚШнинг Калифорния штати протестантлари тузган “Христиан

динининг фундаментал тушунчалари конференцияси”га (The Conference on Cristian Fundamentalism) тегишли бўлиб, қуйидаги асосий 5 ақидани ифодалайди:

- Иисуснинг бокира аёлдан дунёга келгани;
- унинг инсоният гуноҳларини оқлаш учун қурбон бўлгани;
- жисман қайта тирилиши;
- ер юзига жисмонан иккинчи бор келиши;
- китобнинг муқаддаслиги ва уни дастлабки соф ҳолига қайтариш.

Диний экстремизм ўзининг икки “даъвоси” билан ажралиб туради:

— гўё барча ҳозирги замон мусулмон жамоалари исломий тусларини йўқотганлар ва жоҳилия (исломдан аввалги) асри жамиятларига айланганлар. Бундай ёндашув ҳукумат ва унинг олиб бораётган сиёсатини танқид қилишга “асос” бўлиб хизмат қилади;

— гўё “ҳақиқий” мусулмонлар, яъни диний экстремистик гуруҳлар ҳокимиятга келгач, бўлажак “исломий тартибни” ўрнатиши мумкин.


Аслида “фундаментализм” ва “экстремизм” ғояларининг Марказий Осиёга кириб келишидан кўзланган мақсад — диннинг қадриятларини қайтадан тиклаш эмас, балки ана шу ғоялардан восита сифатида фойдаланиш орқали минтақада беқарорликни, диний ва миллатлараро низоларни вужудга келтириш, охир-оқибат эса ҳокимиятни қўлга киритишдир. Бу уринишларда тизим бўлмас фожиаларга олиб келиши мумкин бўлган халифаликни тиклаш ғоясига ҳам зўр берилмоқда. Ана шу йўлда ислом фундаментализми вакиллари, ҳатто миллий ўзига хосликни “қурбон” қилиш ғоясидан ҳам тоймаяптилар.

Айнан ана шу хатти-ҳаракатлар бугунги кунда ўз обрўсидан бутунлай маҳрум бўлган марксизм-лени-

низм таълимотини эслатиб туради. Масалан, Россияда марксистларнинг энг жангари оқими — большевиклар, миллати ва ирқидан қатъий назар, дунёда яшаётган барча халқларни бирлаштириш ғояларини илгари суриб, террор йўли билан ҳокимиятни қўлга киритган эдилар. Уларнинг асосий фожиаларидан бири ҳам миллий омилнинг ва тадрижийликнинг аҳамиятини тан олмаганларида эди. Шунинг учун ҳам улар тарихда зўравон экстремистик ғоялар соҳиби сифатида ном қолдирдилар.

Бугун диний экстремизм ва фундаментализм тарафдорлари томонидан Марказий Осиёда олиб борилаётган қўпоровчилик ва террористик ҳаракатлар ҳам ана шундай мақсад, йўл ва услубларга таянмоқда.

Диний экстремизм ва фундаментализмнинг минтақамиз, хусусан, мамлакатимиз тараққиётига хавф туғдираётганлигини Президентимиз теран англаб, даҳшатли оқибатларга олиб келиши мумкинлигидан ҳаммамизни огоҳ қилган эди. Тошкентда февраль фожиалари содир этилмасдан икки йил олдин Президент И.А.Каримов ўзининг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” номли фундаментал асарида шундай ёзган эди: “Кўплаб сиёсатчилар, олимлар, журналистлар XX аср охирида юз берган “Ислом уйғониши”, “қайта исломланиш”, “ислом феномени” ва бошқа турли-туман номлар билан аталган ҳодисанинг сабабларини тушунтириб беришга ҳаракат қилдилар. Бу тушунчалар ҳақида мунозарага киришмаган ҳолда, эътиборни жаҳон ҳамжамияти ҳаётида ислом қадриятларини тиклаш байроғи остида рўй бераётган ҳодисалар ғоят хилма-хил, кўп қиррали, баъзан зиддиятли ва ҳатто қарама-қарши қутбли эканлигига қаратмоқчиман. Шу билан бирга аниқ-равшанки, жаҳон жа-



моатчилиги бу жараёнларга жуда катта қизиқиш билан қарабгина қолмаяпти. Унинг диний экстремизм ва фундаментализм каби кескин ҳодисалар муносабати билан безовталанаётганлиги, баъзан эса, ҳатто хавфсираётгани ҳам кўзга ташланмоқда. Афсуски, ҳозирги замон шароитида ана шу ўта кескин кўринишлар жиддий можароларни, зиддиятларни келтириб чиқариши, барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид солиши мумкинлиги инсониятни чўчитяпти. Шундан дарак берувчи фикрлар анча-мунча тўпланиб қолган. Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг хавфсизлигини таъминлаш зарурлиги нуқтаи назардан қараганда, бу ҳодисалар бизда ҳам жиддий ташвиш туғдирмоқда¹. Бу фикр ҳақиқат бўлиб чиқди. Экстремистлар 1999 йилнинг 16 феввалида ўзларининг қора ниятларига эришиш мақсадида Тошкентда кўпоровчиликни амалга оширдилар. Бу кўпоровчилик ҳаракатлари орқасида катта кучлар борлиги аён. Уларнинг мақсади, Президентимиз таъкидлаганидек, халқимизнинг тинчлигини бузиш, кўрқитиш, юрагига ваҳима солиш, юритаётган сиёсатимизга ишончни сўндириш, амалга ошираётган улкан ишларга зарба беришдан иборат.

Ҳўш, нима учун бу фожиалар Ўзбекистонда содир этилди, унинг Марказий Осиёдаги бошқа давлатларга таъсири бўлиши мумкинми? Унинг Тошкентда содир этилишига асосий сабаб шуки, юргимизда олиб борилаётган сиёсатнинг ютуқлари жаҳон жамоатчилиги томонидан эътироф этилмоқда. Нисбатан қисқа давр ичида Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий жиҳатдан барқарор, умуминсоний қадриятлар устувор бўлган, маънавий меросни ва диний қадриятларни тиклаб, инсон

¹ *Ислом Каримов*. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. 34-бет.

ҳуқуқларини устувор соҳа даражасига кўтара олган мамлакатга айланди. Халқининг Президентга, давлатга ишончи ниҳоятда мустаҳкам бўлган Ўзбекистон, Марказий Осиёда барқарорликни таъминлашда ва минтақа давлатларининг ўзаро интеграциялашуви жараёнида етакчилик қилмоқда. Худди мана шу ўта катта аҳамиятга эга бўлган омиллар, эришилган ютуқлар халқимиз ва мамлакатимиз тараққиётининг душманларини ваҳимага солмоқда.

Душманларимиз мўлжаллаган мақсадлар амалга ошса, бу нафақат Ўзбекистонда, балки бутун минтақа давлатларида ҳам жуда катта сиёсий ўзгаришларнинг содир бўлишига сабаб бўлиши, минтақавий интеграция жараёнларига ўзининг улкан салбий таъсирини ўтказиши мумкин эди. Террористларнинг амалга оширган кўпуровчилик ҳаракатлари кўзлаган мақсадига етмади ва етолмайди ҳам.

Ўзларини ислом динининг “ҳимоячилари” деб кўрсатишга уринаётган террористларнинг асл нияти чинакам исломий қадриятларни тиклаш эмас, балки ҳокимиятни қўлга киритиш, Марказий Осиёдаги мамлакатларни ўзлари танлаган йўлдан қайтариш ва бутун минтақада ўз ҳукмронлигини ўрнатиш эди. Аслида, мустақиллик йилларида мамлакатимизда ҳақиқий исломий қадриятларимиз тикланди ва бу йўналишда изчиллик билан катта ишлар амалга оширилмоқда. Динимизнинг халқимиз маънавиятининг ажралмас қисмига айланганлиги, Президентимизнинг қуйидаги фикрларида ўз аксини топган: “Биз ўз миллатимизни мана шу муқаддас диндан айри ҳолда асло тасаввур қилолмаймиз. Диний қадриятлар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзлигимизни йўқотаемиз.

Халқимизнинг минг йиллик тарихини, бугунги маъ-

навий ҳаётини, дину диёнатимизни мухтасар ифодалаб айтиш мумкинки, Оллоҳ бизнинг қалбимизда, юрагимизда”¹.

Марказий Осиё халқлари мустаҳкам дўстлигининг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки, минтақа туб халқларининг маънавий илдизлари бир, руҳи, турмуш тарзи яқин, улар ана шу бой манбадан бирдек баҳра оладилар. Шу маънода улар бирлигини мустаҳкамлаш умумминтақавий маънавий юксалишимизга ўзининг ижобий таъсирини ўтказиб тураверади. Бу жараёнга қарши қаратилган ҳар қандай мафкуравий таъсир ёки террористик ҳаракатлар умумминтақавий қаршиликка учрайди ва барбод бўлади.

Марказий Осиё минтақасидаги мафкуравий жараёнлар тизимида Афғонистонда эндигина ўз якунини топган фуқаролар уруши ҳам алоҳида ўрин эгаллаб келди. *Йигирма йил давом этиб келган ҳарбий можаролар оқибатида умуминсоний цивилизациядан узилиб қолган Афғонистон ҳудуди халқаро террорчилик ва диний экстремизм, қурол-яроғ ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдо ўчоғи бўлиб қолган эди. Бу эса турли зарарли ғояларнинг террорчилик, таҳдид ва таҳлика йўли билан бутун минтақага ёйилиш хавфини туғдирмоқда эди.* Шунинг учун ҳам Президентимиз бу хавфнинг олдини олиш зарурлигига жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини қаратиб келди.

2000 йилнинг сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеяси “Минг йиллик саммити”да Президентимиз минтақамиз хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган халқаро терроризм ва наркобизнесга қарши фаол кура-

¹ *Ислом Каримов.* Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. “Туркистон пресс” ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблар. “Халқ сўзи”, 1999 йил 6-март.

шиш, Марказий Осиё минтақасидаги барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш ва жаҳон хавфсизлик тизими такомиллаштириш муаммоларига эътибор қаратди, бу масалаларнинг ўта мураккаб тус олаётганлигини асослаб берди. Мустақил тараққиёт, эркин ва фаровон ҳаётга бўлган ишонч — эътиқодни мустаҳкамлаш йўлида хавф-хатарларнинг олдини олиш учун муттасил огоҳ бўлиб яшаш, биргаликда кураш олиб бориш минтақа халқлари учун ҳаётий заруриятга айланиб қолди. Минтақа халқлари учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган бу жараённи тўғри англаб етган Марказий Осиё мамлакатларининг раҳбарлари фақат 2000 йилнинг ўзида бир неча бор учрашдилар ва хавфсизликни таъминлаш ҳамда ўзаро иқтисодий интеграциялашувнинг долзарб масалаларини муҳокама қилдилар. Жумладан, 2000 йил апрель ойида Тошкентда, 2000 йил август ойида Бишкекда ва октябрь ойида яна Тошкентда, 2001 йил январида Остонада, 2002 йил январида Тошкентда бўлиб ўтган учрашувларда минтақада хавфсизликни таъминлашга хизмат қилувчи муҳим қарорлар қабул қилинди.

Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарларининг бу учрашувлари умумий хавфсизликни таъминлаш, минтақа халқларининг ўзаро дўстлигини мустаҳкамлаш ва мавжуд иқтисодий муаммоларни ҳал этиш имкониятини беради. Шу маънода Ўзбекистон Президенти томонидан олға сурилган “Туркистон — умумий уйимиз” гоясининг амалий аҳамиятини алоҳида таъкидлаш лозим. Шунинг билан бирга Президентимиз таъкидлаганидек, “...Марказий Осиё мамлакатларининг тинчлиги ва барқарорлигига, мазкур минтақада яшовчи халқларнинг хавфсизлигига дахл қилувчи тажовузларнинг олдини олиш ва бартараф этиш борасидаги ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш зарур. Уларнинг бу

йўлдаги саъй-ҳаракатлари, имкониятлари ва салоҳиятларини мувофиқлаштириш ва бирлаштириш айниқса муҳимдир”¹.

ҒОЯВИЙ ЖАРАЁНЛАР: МИНТАҚАВИЙЛИК ВА МИЛЛИЙЛИК

Мамлакатимизда бунёдкор ғояларнинг устиворлик қилиш самараси ташқи омилларга ҳам боғлиқ бўлиб қолмоқда. Хусусан, миллатни умумий манфаатлар асосида жипслаштирувчи ғояларни амалга оширишда халқаро ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий муносабатларнинг характери алоҳида аҳамиятга эга. Буни аниқлаш учун, аввало Ўзбекистоннинг халқаро сиёсий мавқеи ошуvidан, жаҳон бозорига кириб боришидан манфаатдор давлат, мамлакат борми деган саволга жавоб топиш керак. Очигини айтганда, Марказий Осиёда Ўзбекистондек иқтисодий бақувват, сиёсатда қудратли, стратегик аҳамиятга эга бўлган мамлакатнинг пайдо бўлишидан атрофдаги мамлакатларнинг ҳаммаси бирдек манфаатдор, деган хулосага келиш қийин.

Миллий истиқлол ғоясини шакллантириш Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини, сиёсий мавқеини мустаҳкамлашнинг зарурий шартидир. Чунки, иймонли миллат доимо халқаро ҳурмат-эътиборга лойиқ бўлиб келган. Айниқса, Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги стратегик-геополитик ўрни ва аҳамияти беқиёс. Дунё сиёсий харитасида ҳозиргача мавжуд бўлган “социалис-

¹ *Ислом Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т., 2000, 36-бет.*

тик” деб аталадиган тузумнинг тугатилиши билан Марказий Осиёда мафкуравий курашнинг умумий йўналишида муайян ўзгаришлар содир бўлишига қарамасдан, умуман ғоявий — мафкуравий кураш бартараф этилгани йўқ. Аксинча, постсоциалистик тузумдан кейин Марказий Осиёда пайдо бўлган ижтимоий-сиёсий маконни бўлиб олишга йўналтирилган ғоявий кураш кескинлашмоқда. Ҳатто бу экстремистик, фундаменталистик характер касб этиб, қонли тўқнашувларга, агрессив сиёсий ихтилофларга олиб келмоқда.

Маълумки, жаҳондаги ва минтақадаги мамлакатлар ўртасидаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий муносабатларнинг самарадорлиги, энг аввало ғоявий қарашларнинг мутаносиблигига боғлиқ. Бунда икки томонлама манфаатдорлик умумий муносабатлар самарадорлигини белгилайди. Яъни, Ўзбекистон ўз мустақиллик ғояларини бошқа мамлакатларнинг ғоявий-мафкуравий андозаларига кўр-кўрона мослаштирмасдан, уларни ижодий ўзлаштириш ва бошқаларнинг ҳам бизнинг ғоявий — мафкуравий қарашлармизга ҳурмат-эътибор билан муносабатда бўлишига эришишга интилади.

Умуман жаҳон мафкуравий жараёнида қуйидаги хусусиятлар намоён бўлмоқда.

Биринчиси — миллий мустақилликка эришган давлатларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий, мафкуравий ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилувчи мамлакатларни танлашидаги қийинчиликлар шаклланган стереотиплар билан боғлиқ. Чунки, биз билан ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида ҳамкорлик қилишни хоҳлаган давлатларнинг ўз манфаатлари бўлиб, уларнинг ҳамма вақт ҳам икки томонлама манфаатдорликда посангини ўзлари томонга оғдиришга мойил эканлиги сир эмас.

Бундай шароитда Ўзбекистоннинг ўз йўлини танлаши бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиши, демократик жамият қуришнинг “Ўзбек модели”ни ишлаб чиқиши мафкуравий муносабатларнинг стратегияси ва тактикасини белгилаб олишни тақозо қилди. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятга кириб борар экан, ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий тизими турлича бўлган мамлакатлар билан иқтисодий, сиёсий, маданий муносабатларда халқаро ҳуқуқларини, қонунларини, урф-одатларини, миллий манфаатларини ҳурмат қиладиган ҳамдўстларини топишга ҳаркат қилди.

Бироқ, Ўзбекистонга нисбатан геостратегик манфаатлари турлича бўлган мамлакатлар ўртасида ҳақиқий дўстни танлаб олиш ҳамма вақт ҳам осон кечмас эди, қолаверса, муайян вақтни тақозо қилар эди.

Иккинчиси — ҳозирги даврда илмий-техника тараққиёти халқаро муносабатларнинг техник-технологик алоқа воситаларини, оммавий ахборот айрибошлаш инфраструктурасини ва мураккаб коммуникациясини вужудга келтириши билан мафкуравий муносабатларни интенсивлаштириб, универсаллаштириб юборди. Хусусан, ахборот айирбошлашнинг компьютерлаштирилиши, электрон почта, интернет, космик теле, радио алоқа тизимларининг ривожланиши, бу соҳаларда интеллектуал салоҳиятларнинг миқдори ва сифатининг ошиб бориши мафкуравий муносабатларнинг глобаллашувига олиб келди.

Бу жараённинг энг муҳим хусусиятларидан яна бири шуки, турли мамлакатларни мафкуравий забт этиш ғоят катта иқтисодий манфаатлар билан уйғунлашиб кетганидир. Яъни, жамиятни мафкурасизлантиришга, ғоясиз-

лантиришга йўналтирилган ахборотлар бозорида маънавий-маданий, ғоявий-мафкуравий жиҳатдан савияси ғоят паст бўлган аудио ва видео кассеталар, ахлоқсизликка олиб келадиган адабиётлар ва бошқа “санъат асарларининг” сотилиши жуда катта фойда манбаи бўлиб қолаётганлиги ҳаммага маълум.

Учинчиси — миллатнинг тарихий хотираси, анъаналари, маънавий мероси асосида ҳозирги давр ривожланиш даражасига ва истиқбол тенденцияларига мос онгни, тафаккурни шакллантириш вазифасидир. Чунки, ғоят хилма-хил “информация босими” таркибидан миллий тараққиёт манфаатларига мос, ижобий томонларини танлаб олиш муайян назарий-методологик билимларни талаб қилади. Шунинг учун ҳам омманинг дунёвий ва диний билимларини ривожлантиришга, интеллектуал салоҳиятини оширишга йўналтирилган таълим-тарбия тизимини шакллантиришнинг ташкилий вазифалари алоҳида аҳамиятга эга.

Миллатимизга ёт ғоя ва мафкураларнинг кишилар онгига, руҳиятига таъсири “назарийлашаётгани” ҳамда “прагматиклашаётгани” билан характерланади. Чунки, ўтиш даврининг табиий қийинчиликлар шароитида, мафкуравий иммунитет барқарор бўлмаган вазиятларда ташқаридан инсон онгини, қалбини эгаллаб олишга уринишнинг муқобил “назарий асослари”, “методологик воситалари” кучайиши табиий. Бу хилма-хил “назариялар” ўзига хос воситалар орқали кишилар онгига, руҳига таъсир қилишга ҳаракат қилмоқдалар. Бошқача қилиб айтганда, мафкуравий кураш полигонлари — назариялар ва ғоялар кураши полигонига айланмоқда.

Хулоса сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин:

Биринчидан, ҳозирги даврнинг геополитик мақсадлари, мафкуравий сиёсат шакллари, жумладан, уларнинг яратувчанлик ёки бузғунчилик хусусиятлари тасодифий ҳодисалар эмас, аксинча, объектив шарт-шароитларга, субъектив омилларнинг характериға мос келади.

Иккинчидан, жаҳонни, хусусан, Марказий Осиёни мафкуравий бўлиб олишға уринишларнинг асосида муайян ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий геополитик манфаатлар ётади. Халқларни маънавий-мафкуравий тобе этишға бўлган ҳаракат-ҳозирги даврнинг асосий хусусиятидир.

Учинчидан, Марказий Осиёдаги мафкуравий жараёнлар минтақа давлатларининг бир томондан ўз индивидуал миллий мафкуравий қиёфасини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, иккинчи томондан, глобаллашаётган умуминсоний мафкуравий жараёнларда фаол иштирок этишға киришишдан иборат.

Тўртинчидан, ҳозирги даврнинг хусусиятлари мафкуравий жараёнларнинг умуминсоний, гуманистик бунёдкорлик йўналишини кучайтириш учун минтақадаги ҳар бир давлатдан нафақат ўз ички имкониятларидан, балки ташқи омиллардан ҳам оқилона фойдаланишни тақазо этади.

Хуллас, бугунги кунда хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этиш минтақадаги барча мамлакатларнинг истиқболини ҳам бир қадар белгилаб беради. Шунинг билан бирга, бу минтақада яшаётган халқларнинг азалий қон-қардошлиги, ҳамкорлиги ва маънавий — руҳий яқинлигини мустаҳкам-

лашда ҳам ўта муҳим аҳамиятга молик масала бўлиб қолаверади. Худди шунингдек, минтақага қарши қаратилган мафкуравий таъсирларга қарши курашни кучайтиришда, умумминтақавий бирликни мустаҳкамлашнинг аҳамияти ҳам ошиб бораверади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 1998 йил.
2. Қуръони Карим. Тошкент, “Чўлпон” нашриёти, 1993 йил.
3. *Имом Бухорий*. “Ҳадис”. 4 жилдлик. Тошкент, Қомуслар бош таҳририяти, 1992 йил.
4. *Имом Термизий*. “Саҳиҳи Термизий”. Тошкент, Қомуслар бош таҳририяти, 1993 йил.
5. *Абу Наср Форобий*. “Фозил одамлар шаҳри”. Тошкент, Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993 йил.
6. *Абу Райхон Беруний*. “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”. Тошкент, 1968 йил.
7. *Амир Темур*. “Темур тузуклари”. Тошкент Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1996 йил.
8. *Мирзо Улуғбек*. “Тўрт улус тарихи”. Тошкент, 1996 йил.
9. *Алишер Навоий*. “Маҳбуб ул-қулуб”. Тошкент, 1987 йил.
10. *Низомиддин Шомий*. “Зафарнома”. Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 1996 йил.
11. *Заҳириддин Муҳаммад Бобур*. “Бобурнома”. Тошкент, “Чўлпон” нашриёти, 1989 йил.
12. *Абдулла Авлоний*. “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ”. Тошкент, “Шарқ” нашриёти, 1994 йил.
13. *Маҳмудхўжа Бехбудий*. Танланган асарлар. Тошкент, “Маънавият” нашриёти, 2000 йил.
14. *Ислом Каримов*. “Ўзбекистон: миллий истиқ-

лол, иқтисод, сиёсат, мафкура”, 1-жилд, Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 1996 йил.

15. *Ислом Каримов*. “Биздан озод ва обод Ватан қолсин”, 3-жилд, Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 1996 йил.

16. *Ислом Каримов*. “Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир” жилд, Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 1996 йил.

17. *Ислом Каримов*. “Бунёдкорлик йўлидан”, 4-жилд, Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 1996 йил.

18. *Ислом Каримов*. “Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби”, 5-жилд, Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 1997 йил.

19. *Ислом Каримов*. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”. Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 1997 йил.

20. *Ислом Каримов*. “Маънавий юксалиш йўлида”, Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 1998 йил.

21. *Ислом Каримов*. “Жамиятимиз мафкураси халқни — халқ, миллатни — миллат қилишга хизмат этсин”, “Тафаккур” журнали бош муҳаррири саволларига жавоблар. 1998 йил, 2-сон.

22. *Ислом Каримов*. “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”, “Мулоқот” журнали, 1998 йил, 5-сон.

23. *Ислом Каримов*. “Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида”. 6-жилд, Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 1998 йил.

24. *Ислом Каримов*. “Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз”. 7-жилд. Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 1999 йил.

25. *Ислом Каримов*. “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз”. 8-жилд, Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 2000 йил.

26. *Ислом Каримов*. “Ўзбекистон XXI асрга интилоққа”. Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 1999 йил.

27. *Ислом Каримов*. “Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда”. Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 1999 йил.

28. *Ислом Каримов*. “Миллий истиқлол мафкураси — халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир”: “Фидокор” газетаси мухбири саволларига жавоблар. Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 2000 йил.

29. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. —Т., Ўзбекистон, 2000.

30. БМТнинг Инсон ҳуқуқлари декларацияси. // “Инсон ҳуқуқлари: ўқув қўлланмаси”. Тошкент, “Адолат” нашриёти. 1998 йил.

31. “Баркамол авлод орзуси”. Тошкент, “Шарқ” нашриёти, 1999 йил.

32. “Соғлом авлод — бизнинг келажакимиз”. Тошкент, Ибн Сино номидаги нашриёт, 2000 йил.

33. Ўзбекистон Республикаси. Энциклопедия. Тошкент, Қомуслар бош таҳририяти, 1997 йил.

34. “Маънавият юлдузлари”. Тошкент, Абдулла Қодирий номидаги нашриёт, 1999 йил.

35. “Алпомиш: Ўзбек халқ қаҳрамонлик достони”. Тошкент, “Шарқ” нашриёти, 1998 йил.

36. “Жалоллидин Мангуберди”. Тошкент, “Шарқ” нашриёти, 1999 йил.

37. “Қалтис саволларга холис жавоблар”. (Дин ва дунёвий муаммоларга доир) “Тафаккур” журнали, 1999 йил, 3-сон.

38. “Халқ, миллий мафкура ва зиёли масъулияти”, “Тафаккур” журнали, 1999 йил, 2-сон.

39. “Геополитика и мировое развитие”. Москва. 1995 йил.

40. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар (Олий таълим учун маъруза матнлари).Т., «Янги аср авлоди», 2001 йил.

МУНДАРИЖА

Сўз боши.....	3
Марказий Осиё: минтақа ва геосиёсат	5
XX аср охири: барқарорлик ва беқарорлик.....	7
Минтақавий ривожланиш: ҳамкорлик ва таҳдидлар.....	11
Фундаментализм ва экстеримизм.....	15
Ғоявий жараёнлар: минтақавийлик ва миллийлик.....	22
Фойдаланилган адабиётлар.	28

Ижтимоий-сиёсий нашр

**МАРКАЗИЙ ОСИЁ:
ҒОЯВИЙ ЖАРАЁН ВА
МАФКУРАВИЙ ТАҲДИДЛАР**

Масъул муҳаррир **Қ. Назаров**
Муҳаррир **Г. Аҳмедова**
Техник муҳаррир **В. Мещерякова**
Компьютер ишлари **А. Тиллахўжаев**
Мусахҳиҳ **У. Валиев**

Босишга 17.01.2002 рухсат берилди.
Бичими 60x90¹/₁₆. Офсет босма.
Шартли б.т. 2,0. Нашр ҳисоб табоғи 1,05.
8 рақамли буюртма.
Жами 20000 нусха. Баҳоси шартнома асосида

«Ijod dunyosi» нашриёт уйи.
Тошкент, Навоий-30, 700129.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот
қўмитаси китоб-журнал фабрикасида босилди.
Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1-уй.

ФАЙЛАСУФЛАР
МИЛЛИЙ ЖАМИАТИ

